



"16" июл 2012 й № 29

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 183-сон қарорига асосан, Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги Низом ва Давлат статистика қўмитаси тизимидаги ташкилотлар низомларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида,

#### **БУЮРАМАН:**

1. Қуйидагилар янги таҳрирда тасдиқлансин:

Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 1 - иловага мувофиқ;

Андижон вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 2 - иловага мувофиқ;

Бухоро вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 3 - иловага мувофиқ;

Жиззах вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 4 - иловага мувофиқ;

Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 5 - иловага мувофиқ;

Навоий вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 6 - иловага мувофиқ;

Наманган вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 7 - иловага мувофиқ;

Самарқанд вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 8 - иловага мувофиқ;

Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 9 - иловага мувофиқ;

Сирдарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 10 - иловага мувофиқ;

Тошкент вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, 11 - иловага мувофиқ;

Фарғона вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом,  
12 - иловага мувофиқ;

Хоразм вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом,  
13 - иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом,  
14 - иловага мувофиқ;

Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари Марказининг  
Устави, 15 - иловага мувофиқ.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар  
статистика бошқармалари бошлиқлари, Кадрларни қайта тайёрлаш  
ва статистика тадқиқотлари Маркази директори:

мазкур Низомларни раҳбарлик ва сўзсиз ижро учун қабул қилсинлар;

бир ой муддатда, 16-иловага мувофиқ Намунавий низом асосида ҳар  
бир туман (шаҳар) статистика бўлими тўғрисида Низомларни тайёрласинлар  
ва тасдиқласинлар;

тасдиқланган Низомларни давлат статистика органларининг ҳар бир  
ходимиغا етказилиши ва уларга амал қилиниши устидан шахсий назорат  
ўрнатишни таъминласинлар.

3. Статистика ишларини ташкил қилиш ва методология бошқармаси  
(Е.Кияткина) Давлат статистика қўмитаси тизимидаги ташкилотлар  
тўғрисидаги Низомларни белгиланган тартибда ва муддатларда  
тасдиқланиши ҳамда уларнинг давлат статистика органлари ходимларига  
етказилиши бўйича ишларни мувофиқлаштиришни таъминласин.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Давлат статистика қўмитасининг 2003 йил 7 февралдаги  
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар статистика  
бошқармалари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари тўғрисидаги  
намунавий Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 11/1-к-сонли буйруғи;

Давлат статистика қўмитасининг 2003 йил 31 январдаги Кадрларни  
қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази тўғрисидаги Низомни  
тасдиқлаш тўғрисидаги 4-сонли буйруғи.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати Раиснинг биринчи ўринбосари  
Б.Мирусманов зиммасига юклатилсин.

**Раис**

**Б.Тўраев**